

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ДАЛИМОВА ГУЗАЛЬ АБДУРАШИТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН
СКРИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ АСОСИДА БИРЛАМЧИ
ГИПЕРАЛЬДОСТЕРОНИЗМНИНГ КЛИНИК - БИОКИМЁВИЙ
ТАСНИФИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 616.453-008.61-074/.078 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Далимова Гузаль Абдурашитовна

Ўзбекистон Республикаси бўйича ўтказиладиган скрининг
хисоботлари асосида бирламчи гиперальдостеронизмнинг
клиник - биокимёвий таснифи 3

Далимова Гузаль Абдурашитовна

Клинико-биохимическая характеристика первичного
гиперальдостеронизма по данным скрининга
по Республике Узбекистан 21

Dalimova Guzal Abdurashitovna

Clinical and biochemical characteristics of primary hyperaldosteronism on
the base of screening in the Republic of Uzbekistan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ДАЛИМОВА ГУЗАЛЬ АБДУРАШИТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН
СКРИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ АСОСИДА БИРЛАМЧИ
ГИПЕРАЛЬДОСТЕРОНИЗМНИНГ КЛИНИК - БИОКИМЁВИЙ
ТАСНИФИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Tib420 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халимова Замира Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бахриддин Фазлиддин Шамсиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфандиёров номидаги Қозоқ миллий тиббиёт университети.

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___»_____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «___»_____ да тарқатилди.

(2020 йил «___»_____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда юрак-қон томир касалликлари учун асосий хавф омилларидан бири гипертензия ёки юқори қон босими бўлиб, у юрак хуружи ва инсултни келтириб чиқаради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...юқори қон босими ҳар йили тўққиз миллион кишининг ўлимига олиб келади»¹. Илгари аксарият мутахассислар бирламчи гиперальдостеронизм (БГА) тарқалишини эссенциал гипертензияга эга беморларнинг 1 % идан кам деб тахмин қилишган. Бироқ ҳозирги вақтда баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра «...БГА барча АГли беморларнинг 10 % ини ташкил қилади (4,8 % альдостерон ишлаб чиқарадиган аденомалар; 5,2 % бошқа турдаги БГА: икки томонлама идиопатик гиперплазия, бирламчи бир томонлама гиперплазия, БГАнинг оилавий шаклларига тўғри келади»². Шу сабабли артериал гипертензия билан оғриган беморларда БГАни аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда артериал гипертензия билан оғриган беморларда БГА касаллигини аниқлаш, иммуногенетик тадқиқотлар асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада етакчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар БГАни эрта ташхислаш усуллари такомиллаштириш, уни даволашда минералокортикоид рецепторининг ҳамда оператив давонинг аҳамиятини баҳолаш, артериал гипертензия билан оғриган беморларда БГА касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида беморларни скрининг тизимига жалб қилиш, БГАли беморларни даволашнинг патогенетик механизмларини ишлаб чиқиш ва оптимал даволаш тизимини танлаш, аҳоли орасида касалликнинг келиб чиқиши ва ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган кенг миқёсли тадқиқот ишларини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, эндокринологик касалликларни камайтириш борасида аҳолига эндокринологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш, даволашнинг самарали усуллари татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга энкринология хизматини янада ривожлантириш, эпидемиологик вазиятни баҳолаш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш, шунингдек, эндокринология йўналишларини талаби юқори бўлган йўналишлар билан биргаликда қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Республика аҳолисига кўрсатиладиган ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини ошириш, давлат ҳимоясига мухтож бўлувчи эндокрин касалликлар билан касалланишни камайтиришга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги ПҚ–4295-сон «2019–2021 йилларда Республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил

¹ World Health Organization, 2018., General information about hypertension.

² Sawka A.M., Young W.F., 2018; Schilbach K., Junnila R.K., Bidlingmaier M., 2017.

20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп сонли тадқиқотлар кўрсатишича, БГА, ҳатто гипертензиянинг умумий популяциясида ҳам иккиламчи гипертензиянинг кенг тарқалган сабаби бўлиб, оғир гипертензияси бўлган беморларда БГА мавжудлигини текширишга кўрсатма бўлади. Эрта ташхис қўйиш БГА билан оғриган беморларнинг ўз вақтида даволаниши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Corssmit E.P.M., 2019). Ортиқча альдостероннинг тана аъзоларига зарар етказиши ва юрак-қон томир касалликлари хавфини ошириши исботланган. Ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашнинг тўғри тактикаси гиперальдостеронизм туфайли юзага келган БГА асоратларини бартараф қилиши мумкин (Akasaka H., 2019). БГА ни эрта ташхислаш учун АГ бўлган беморларда скрининг текширувларини ўтказиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда БГА касаллиги артериал гипертензия билан оғриган беморларнинг 10% ини ташкил этиб, бундан 4,8% беморларда альдостерон ишлаб чиқарувчи аденомалар, 5,2% идиопатик гиперальдостеронизм ва БГАнинг бошқа турлари учраши бир қатор муаллифлар маълумотларида келтирилган (Sawka AM., Young WF., Thompson GB., 2018; Schilbach K1, Junnila RK2, Bidlingmaier M., 2019). Олимларнинг олиб борган илмий текширувлари натижалари шуни кўрсатадики, БГА билан оғриган беморларда АГ кечиши бир мунча хавфли бўлиб, бу беморларда инсульт, юрак ишемик касалликлари, миокард инфаркти, юрак етишмовчилиги ва буйрак патологиялари бир мунча илгари ривожланади (Pechere-Bertschi A., Herpin D L.H., 2016; Schilbach K., Junnila RK., 2019).

Ўзбекистон Республикасида БГАни скрининг қилиш бўйича ишлар олиб борилмаган ва ҳозирги вақтда БГА билан оғриган беморлар керакли муолажани олишмайди ёки АГ билан оғриган беморлар каби симптоматик даво қабул қилишади. Бу БГАни даволаш тактикасининг нотўғри танланишига ва инсульт, миокард инфаркти, фибрилляция каби эрта ва қайтариб бўлмайдиган асоратларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Кенг миқёсли скрининг текширувларини ўтказиш келажакда ушбу соҳада юзага келадиган муаммоларни бартараф қилади. Юқорида келтирилганлар ушбу тадқиқот ишини олиб бориш учун муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг тадқиқот режасига мувофиқ ПЗ–20170928355. «Нейроэндокрин тизимининг (НЭТ) ўсмаларини

эрта ташхислаш ва дифференциал даволашнинг юқори технологияли усулларини ишлаб чиқиш» (2018–2020 йй.) амалий гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёмон сифатли гипертония билан оғриган беморларда БГА скринингини ўтказиш ва кардиоваскуляр хавф ривожланишини прогнозлаш моделини ишлаб чиқиш учун мақсадли аъзолар зарарланишининг частотасини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёмон сифатли АГ билан оғриган беморларда БГА скринингини ўтказиш;

БГА ва гипертония касаллиги (ГК) билан оғриган беморларнинг клиник ва биокимёвий хусусиятларини ўзаро солиштириб аниқлаш;

Беморларда БГА турларининг гормонал ва визуализацион кўрсаткичларини тарифлаш;

БГА ва АГ билан оғриган беморларда юрак фаолиятининг (ЮФ) солиштира жихатларини баҳолаш;

БГА ва ГК билан оғриган беморларда бош мия магистрал томирларининг (УУА, ИУА, ТУА) доплерографик хусусиятларини қиёсий жихатдан таснифлаш;

кўп вариантли таҳлил асосида БГА бўлган беморларда кардиоваскуляр хавфни башоратлашнинг математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази поликлиникасига ҳамда Республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази поликлиникасига мурожаат қилган АГли 850 нафар бемор орасидан 202 нафар бемор (107 нафар (52,9%) эркак, 95 нафар (47,0%) аёл) танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети қон зардобининг гормонал ва биокимёвий текширувлари, буйрак усти беги МСКТ материалларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник, биокимёвий, гормонал текширувлар, функционал тестлар, шунингдек, инструментал (буйрак усти безлари МСКТ) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда илк бор юқори хавф гуруҳлари ўртасида ўтказилган 3 босқичли скрининг тадқиқоти асосида бирламчи гиперальдостеронизм даражаси аниқланган;

бирламчи гиперальдостеронизм ва гипертония касаллигининг дифференциал-диагностик жихатлари яъни юрак қон-томирлари асоратлари, артериал гипертензия намоён бўлишининг манифести, инсулт ва миокард инфаркти учраши сонининг оилавий анамнезга боғлиқлиги аниқланган;

тадқиқот натижасида ЭхоКГ, мия қон-томирларининг ультратовуш доплерографияси текширувида миқдорий ўзгаришлар билан бирламчи гиперальдостеронизмда нишон аъзоларнинг специфик зарарланиши аниқланган;

альдостерон миқдори ҳамда систолик ва диастолик артериал қон босими, охирги систолик ҳажм охирги диастолик ҳажм ва ҳайдаш фракциясининг регрессион таҳлили асосида бирламчи гиперальдостеронизмда юрак қон томирлари асоратларини башорат қилишнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, эпидемиологик, антропометрик, клиник, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, шунингдек, текширилган беморлар сонининг етарлилиги билан асосланади. Хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан АГ бўлган беморларда бирламчи гиперальдостеронизмни ташхислаш ва даволаш, хулоса ва натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк мартаба мультивариантли таҳлил асосида БГА билан оғриган беморларда кўп омилли таҳлил асосида юрак-қон томир хавфини башорат қилишнинг математик модели яратилганлиги, ушбу моделда БГА билан оғриган беморларда альдостероннинг кўрсаткичи ошиши билан САБ/ДАБ, охирги систолик ҳажм, охирги диастолик ҳажм ортиши ҳамда ҳайдаш фракцияси пасайиши улар орасида ўзаро боғлиқлик БГА патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти артериал гипертензия билан оғриган беморлар орасидан БГА эҳтимоллиги катта бўлган беморларни саралаб олиш учун сўровнома, БГАни эрта ва дифференциал ташхислашда қўллаш учун БГАни ташхислаш алгоритми, касаллик оқибатда келиб чиқадиган юрак-қон томир асоратлари хавфини башоратлаш мезонларини ва патогенетик асосланган даволаш дастури, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши, мавжуд халқаро тадқиқот протоколлари билан таққослаганда бажарилиши енгил ва катта сарф-харажат талаб этмайдиган БГА скрининги таклиф қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёмон сифатли гипертензия билан оғриган беморларда БГА скринингини ўтказиш ва кардиоваскуляр хавф ривожланишини прогнозлаш моделини ишлаб чиқиш учун мақсадли аъзолар зарарланишининг частотасини баҳолаш асосида:

ёмон сифатли гипертензия билан оғриган беморларда БГАнинг ташхиси бўйича тадқиқотлар натижалари «Бирламчи гиперальдостеронизмни ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8р-м/374сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома АГ билан оғриган беморларда БГАни эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш ва ўз навбатида даволашнинг мос усулини танлаш имконини берган;

олинган натижалар соғлиқни сақлашнинг амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акад. Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида, шунингдек, барча даражадаги эндокрин хизматларининг амалий фаолиятида, жумладан, Самарқанд ва Хоразм вилоят эндокринология диспансерларида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 8р-м/253сон хулосаси). Тадқиқот натижаларини жорий этиш АГ синдроми бўлган беморларда БГА ташхисини аҳамиятли даражада яхшилаган ҳамда ўз вақтида даволашнинг мос усулини қўллаш орқали касаллик асоратларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, 5 таси миллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бирламчи гипералдостеронизм муаммосининг замонавий ҳолати**» деб номлаган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолатига доир ўзимизда ва чет элларда чоп этилган маълумотлар таҳлил этилган. БГАнинг тиббий-ижтимоий аспекти акс эттирилган, кечишининг диагностик ва клиник вариантлари, даволашнинг замонавий жиҳатлари, шунингдек унинг клиник-диагностик хусусиятлари таҳлил қилинган. Бунда ўрганилаётган муаммога доир кўп марказли тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилган.


Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг таснифи ва тадқиқот усуллари (биокимёвий, гормонал, визуал ва статистик) акс эттирилган.

Тадқиқот 2018-2019 йиллар давомида ЎзР ССВ акад. Ё.Х.Тўрақулов номидаги РМИАТ эндокринология ва РМИАТ кардиология марказига мурожаат қилган 850 нафар ёмон сифатли артериал гипертензияга эга беморларни қамраб олган. Ёмон сифатли гипертензияси бўлган беморларда БГА скрининги 3 босқичда ўтказилган (1-расм).

БГА скрининги ЎзР ССВ акад. Ё.Х.Тўрақулов номидаги РМИАТЭМ поликлиникасида ва РМИАТКМ Артериал гипертензия лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда бажарилди. Беморлар Европа эндокринологлар жамияти тавсияларига (1916) кўра танланди. АРН (альдостерон-ренин нисбати) скирининг усулини ташкил этган.

I босқичда ГА ли 850 кишининг скрининг текширувидан сўнг уларнинг барчасидан альдостерон ва ренинга текшириш учун қон олинди ва альдостероннинг ренинга нисбати (АРН) аниқланди. Жаҳон эндокринологлари

жамияти тавсиясига кўра, бирламчи гиперальдостеронизм учун диагностик мезон $APH > 30$ тарзида қабул қилинди. Тестга 4 ҳафта қолганида беморларга спиронолактон, эплеренон, триамтерен, амилорид, диуретиклар, қизилмия илдизи препаратлари, икки ҳафта қолганида эса иАПФ, АРА, бета-блокаторлар ва тиазид диуретиклар бекор қилинди. Ифодаланган ГА ли беморларга гипотензив препаратлар АРН кўрсаткичларига таъсир кўрсатмайдиган верапамил, доксазозин, празозинга алмаштирилди. АРН тести натижаларига кўра, скринингга қатнашган 850 ГА ли шахслардан 202 нафариди (23%) АРН нинг кўрсаткичи юқори бўлди ва ўртача $197,6 \pm 144,5$ (41,7-342,2) ни ташкил этган.



1-расм. БГА скрининги

II босқичда физиологик эритмаси билан синов ўтказилди. БГА ни истисно қилиш учун АРН кўрсаткичлари юқори бўлган 202 беморга, халқаро клиник тавсияларга кўра (2016), юқори даражадаги сезгирлик (95 %) ва ўзига хос хусусиятларга (94%) эга бўлган изотоник NaCl эритмаси билан синов ўтказилган.

III босқичда буйрак усти беши МСКТ текшируви ўтказилди. Изотоник NaCl эритмаси билан ўтказилган синовдан кейин танлаб олинган 72 беморда тизимдаги бузилишларни аниқлаш мақсадида буйрак усти беши МСКТ текширувини ўтказилган.

Диссертациянинг «**Бирламчи гиперальдостеронизмнинг скрининг натижалари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Республика Ихтисослашган Эндокринология Илмий Амалий Тиббиёт Маркази поликлиникасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Республика Ихтисослашган Кардиология Илмий Амалий Тиббиёт Маркази поликлиникасида амалга оширилган скрининг натижалари тақдим этилди. Тадқиқотимизда биз хавфли гипертензияли 850 беморни кўриқдан ўтказдик, уларнинг 448 нафари эркаклар, 402 нафари аёллар. 16 ёшдан 74 ёшгача бўлган бу беморларнинг ўртача ёши $38,2 \pm 18,2$ ёшни ташкил этди. БГАни аниқлаш мақсадида бу беморларда альдостерон ва ренин даражалари ўрганилди. Ушбу натижалар асосида хавфли артериал гипертензияга эга 202 (23 %) бемор танланди, уларда АРН 41,7 дан 342,2 гачани, ўртача $197,6 \pm 144,5$ ни ташкил қилди. АРН асосидан танланган 202 ҳолатларда физиологик эритма билан синов ўтказилди ва унинг натижалари БГА ташхиси ва даволаш бўйича халқаро тавсияларга (2016) мувофиқ баҳоланди. Беморлар 3 гуруҳга ажратилди: БГА катта эҳтимолликга эга (синовдан сўнг альдостерон > 100 пг/мл); «кулранг соҳа» да альдостерон 50 дан 100 пг/мл оралиғида бўлди; альдостерон 50 пг/мл дан паст бўлганда БГА эҳтимоли кичик деб қабул қилинди. Беморларни ушбу тестга тайёрлаш АРН тестига тайёргарлик сингари ўтказилган. 1-жадвалдан аниқ бўладики, натрийли юклама билан ўтказилган синовдан кейин 50 (25%) беморда альдостерон даражаси 100 пг/мл га пасайди (ўртача $363,4 \pm 10,1$) ва бу беморларда БГА нинг юқори эҳтимолликка эгаллигини кўрсатди. 22 (10,8 %) беморда альдостерон даражаси 50-100 пг/мл оралиғида бўлди (ўртача $76,3 \pm 9,4$) ва бу «кулранг соҳа» га тўғри келди, 114 беморда (56%) альдостерон даражаси 50 пг/мл ($36 \pm 8,1$) дан пастга тушди.

1-жадвал

БГА ташхисини тасдиқлаш: физиологик эритма билан синов

Кўрсаткичлар	Синовгача	Синовдан сўнг		
		БГА нинг эҳтимоли юқори	«Кулранг соҳа»	БГА нинг эҳтимоли кам
Альдосте-рон, пг/мл	$525,4 \pm 191,9$	$363,4 \pm 10,1$	$76,3 \pm 9,4$	$36 \pm 8,1$
Кол-во	186	50	22	114

16 беморда (8 %) тест ўтказилмади, чунки уларнинг баъзилари тестдан воз кечишди, баъзиларининг ЭКГ ларида эса аритмия қайд этилган.

Шундай қилиб, АРН дан кейин танланган 202 бемордан 72 нафари (35,6 %) БГА эҳтимолили беморлар деб қаралди, 130 (64 %) бемор БГА гуруҳидан чиқарилди. Ташхисни янада аниқлаштириш учун ушбу 72 бемор буйрак усти беи МСКТ нинг 3 босқичли скринингидан ўтди. Буйрак усти безлари МСКТ натижаларига кўра, 72 бемордан 28 нафариди буйрак усти безлари тузилишида оғишлар кузатилмади, 4 нафариди (5,5 %) чап буйрак усти безининг ҳосилалари 2 дан 3 см гача бўлганлиги аниқланди. Биз уни инсиденталома деб билдик, чунки бу беморларда гормонал оғиш ва буйрак усти безларининг клиник патологияси мавжуд эмас. 40 (55,5 %) беморнинг буйрак усти безларида турли хил таркибий ўзгаришлар юз берган: 16 нафариди буйрак усти безларининг 1 см гача тугунлари (10 нафариди чапди; 6 нафариди ўнгди), 24 нафариди буйрак усти безлари гиперплазияси (улардан 16 таси диффуз ва 8 таси тугунли) мавжуд. АГ билан касалланган 850 беморнинг атиги 40 нафариди ўтказилган скринингнинг барча тестлари ижобий натижа билан якунланди, бу юқори хавф гуруҳининг 4,7% иди БГА борлигидан, ёмон сифатли гипертензия билан оғриган беморлар ва АРН тести ижобий бўлган беморлар 19,8% ни ташкил этишидан далолат беради.

Қўйилган масалаларга мувофиқ БГА ли 40 бемор ва ГХ ли 162 беморда тўлиқ клиник-гормонал, биокимёвий, визуализацион текширувлар ўтказилди. Улар тадқиқотнинг икки асосий гуруҳини ташкил этишди: биринчи гуруҳ – 40 бирламчи альдостеронли беморлар (16 аёл, 24 эркак) ва иккинчи гуруҳ – 162 гипертония касаллигили беморлар (79 нафар аёл, 83 эркак). Текширув натижаларига кўра биз беморларни жинси ва ёши бўйича тақсимладик (ЖССТ, 2017 йил). БГА билан касалланганларнинг 60 % эркаклар ва 40 % аёллардан иборат. Бундан ташқари, аёл ва эркак беморларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатли ёшга тўғри келган.

БГА билан оғриган беморларнинг мурожаат этишлари частотасини таҳлил қилиш кардиологга – 17 бемор (42,5 %), терапевтга – 9 ҳолатда (22,5 %), неврологга – 8 ҳолда (20 %), урологга – 2 (5 %) ва фақатгина 4 ҳолда (10 %) эндокринологга мурожаат қилинганини кўрсатди, бу эса эндокринологларнинг БГА огоҳлантириш диагностикаси бўйича билимларини ошириш зарурлигини кўрсатган.

Тадқиқотимиз таҳлили шуни кўрсатдики, БГА билан оғриган 40 бемордан 24 нафарининг (60 %) ота-оналарида қон-томирлари фожеалари бўлган, 40 ёшгача бўлганлар уларнинг 40 %ни ташкил этди, ва 50 %ни ташкил этган 20 бемор миокард инфаркти билан оғриганлар, уларнинг 32 % 40 ёшгача бўлган. Инсулт ва миокард инфаркти 20 % (8 нафар) ҳолатларда содир бўлган: 40 ёшгача бўлган гипертензияли ота-оналар ва 40 ёшдан ошганлар 95 % ва 5 % ни ташкил этишган, яъни БГА билан юрак томирлари хасталиклари (ЮТХ) алоҳида ва комбинацияланган ҳолда гипертензия билан оғриган 38 беморда (95 %) ГА фониди ривожланган. Гипертензия билан оғриган 162 бемордан 11 тада (6,7 %) 40 ёшгача ва 32 тада (19,7 %) 40 ёшдан кейин ЮТХнинг ривожланиши ва кузатилди БГА нинг кейинги хусусияти – гипертензия даражасидир. Биз гипертензия

кечишига қараб беморларни 3 гуруҳга ажратдик: доимий, даврий ва кирза. БГА билан оғриган беморларда гипертензия кечиши асосан доимий характерга эга бўлиб, у 72,5 % ни ташкил этди, даврий ва кризли кечиши камроқ учради ва гипертензияли беморларда даврий гипертензия кечиши устунлик қилди.

Тадқиқот вазифаларига мувофиқ, биз юрак-қон томир ҳодисаларининг частотасини ўрганиб чиқдик ва уларнинг БГА да ишончли даражада аҳамиятли эканлигини аниқланган (2-расм).

2-расм. БГА ва ГК билан оғриган беморларда юрак-қон томир ҳодисаларининг частотаси

Клиник жиҳатдан АГ ни БГА дан ажратиш жуда қийин, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам гипертензия бош оғриғи, бош айланиши, қулоқдаги шовқин, кўз олди қоронғулашиши, кўриш ва юрак-қон томир фаолияти бузилишлари билан намоён бўлади. Ушбу симптомлар орасидаги характерли патогномик ҳодисаларни аниқлаш учун биз беморларнинг иккала гуруҳидаги барча клиник кўринишларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилдик ва қуйидаги симптомлар БГАда устунлик қилади деган хулосага келдик: юрак соҳасида оғриқ (87 %, $P < 0,0001$), оёқ-қўлларда увушиш (85 %), асабийлашиш (82,5 %, $P < 0,0001$), оғиз қуруқлиги (80 %, $P < 0,0001$), безовталик-депрессия синдроми (80 %, $P < 0,0001$), мушакларнинг кучсизлиги (75 %, $P < 0,0001$), сурункали чарчоқ (72,5 %), ҳаво етишмаслиги ҳиси (70%), миоплегия (65 %, $P < 0,0001$), нафас сиқиши хуружлари (62,5 %, $P < 0,0001$), полиурия (67,5 %, $P < 0,0001$) ва тетаник тутқаноқ хуружлари (57,5 %).

Ушбу боб натижаларини таҳлил қилиб, биз БГА билан оилавий тарихда юрак-қон томир фалокатларининг юки таъсирида гипертензиянинг янада оғир ва давомли кечишини аниқладик. БГАда турли хил клиник кўринишлар билан бир қаторда юрак-қон томир тизимининг кўпроқ зарарланиши, асаб-мушаклар ва буйрак билан боғлиқ муаммолар рўй берган.

Диссертациянинг «**БГА билан оғриган беморларнинг гормонал, биокимёвий ва визуал таснифлари**» деб номланган тўртинчи бобида АГ билан оғриган беморларда ўтказилган скрининг маълумотлари асосида

аниқланган БГА билан оғриган беморларнинг гормонал, биокимёвий ва визуал таснифлари тадқиқ этилган.

Гипертензиянинг асосий сабаби альдостероннинг ҳаддан ташқари ажралиб чиқишидир. Альдостерон ортиқчалиги томир тонусининг ортишига олиб келади ва нерв-мушак, юрак-қон томир тизимларининг ўзгариши билан намоён бўладиган клиник кўринишларга олиб келади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бизнинг кейинги вазифамиз БГА билан оғриган беморларнинг гормонал ва биокимёвий кўрсаткичларини тавсифлаш бўлди.

БГА ва АГ билан оғриган беморларда альдостерон ва ренин даражаси қиёсий жиҳатдан ўрганиб чиқилди. БГА бўлган беморларда альдостерон даражаси ўртача $682,3 \pm 245,2$ пг/мл ни ва ренин даражаси эса ўртача $2,72 \pm 1,6$ мкМЕ ни ташкил қилди. Айни вақтда гипертензия билан оғриган беморларда альдостерон даражаси ишончли паст ($162,4 \pm 62,1$ пг/мл) ва ренин даражаси юқори бўлиб, ўртача $11,2 \pm 3,2$ мкМЕ ни ташкил қилган.

Биз БГА бўлган беморларда САБ, ДАБ билан альдостерон ўртасидаги муносабатни ўрганиб чиқдик.

Регрессион таҳлил альдостерон ва СБП, ДБП ўртасидаги аҳамиятли даражадаги ижобий алоқани аниқлади. Қондаги альдостерон миқдорининг 10 пг/мл га ортиши ДАБ нинг 5,4 мм сим.уст.га ва САБ нинг эса 2,37 мм сим.уст.га кўтарилишига олиб келади ва бу альдостерон даражасининг ошиши ДАБ даражасига кўпроқ таъсир қилишини кўрсатган.

БГА нинг муҳим патогенетик жиҳатларидан бири бу қоннинг электролит таркибидир. Тадқиқотларимизда БГА ҳолида калий даражаси 3,1 дан 3,6 ммол/л гача ўзгариб, ўртача $3,4 \pm 0,28$ ммол/л ни ташкил қилди. Шунини таъкидлаш лозимки, беморларнинг 70 %ида калий даражаси меъёр чегараларида бўлди ва 30 %ида унинг пасайгани аниқланди. АГ билан оғриган беморларда натрий даражаси 117,7 дан 152,3 ммол/л гача ўзгариб, ўртача $135 \pm 17,31$ ммол/л ни ташкил қилган.

3-расм. Альдостерон (пг/мг) нинг САБ ва ДАБ (мм сим. уст.) га боғлиқ равишда ўзгариши

Гуруҳлардаги ишончли фарқлар қондаги калий, натрий, глюкоза, креатинин ва МАУ каби кўрсаткичларида бўлди ($P < 0,001$). НbАс ва КФТ бўйича ишончли фарқ топилмади. Аммо беморларнинг иккала гуруҳида ҳам КФТ меъёридан ишончли даражада паст бўлди (меъёрий КФТ: эркаларда

125 мл/мин, аёлларда 110 мл/мин). Иккала гуруҳда ҳам қондаги натрий, глюкоза, креатинин ўртача кўрсаткичлари меъёрий бўлган.

Бизнинг кейинги вазифамиз БГА ва АГ билан оғриган беморларда юракнинг функционал ҳолатини қиёсий жиҳатдан тавсифлаш бўлди. Бунинг учун биз барча беморларда электрокардиографик тадқиқотларни ўтказдик. ЭКГ кўрсаткичлари шуни намойиш этишдики, БГА бўлган беморларда юрак уриши 1 дақиқада 56 дан 74 гачани ташкил этади, QT оралиғи ўртача $0,43 \pm 0,03$ сек га тўғри келади. Шу билан бирга, АГ билан оғриган беморларда юрак уришида сезиларли даражада ўзгариш пайдо бўлди ЮУЧ камайди ва QT оралиғи қисқарди. Бундан ташқари, 11 беморда (27,5 %) БГА билан чап қоринча гипертрофияси (ЧКГ), 11 (27,5 %) бемор миокардидаги метаболик ўзгаришлар (ММУ), 2 (5 %) бемор миокардидаги дистрофик ўзгаришлар (МДУ) ва 10 (25 %) беморда PQ қисқариши қайд этилди. Гипертензияли беморларда айти шу кўрсаткичлар мос равишда 22, 52, 9 ва 8,5 %ни ташкил этди. Юрак фаолиятида калий даражасининг аҳамияти ва гиперальдостеронизм даврида унинг даражаси четланишлари мумкинлиги туфайли биз калий концентрациясига боғлиқ равишда ЭКГ кўрсаткичларини таққосладик. QT чўзилишининг БГА ли беморларда (53,3 %) гипокалемик варианты билан оғриган беморлардагига нисбатан (12 %) катта эканлиги аниқланган.

Гипокалиемиа юрак-қон томир натижаларини ривожланишида бузувчи ва агрессив омил ҳисобланади, шунинг учун биз калий даражаси ва QT оралиғи ўртасидаги боғлиқликни ўрганилган.

Калий даражаси ва QT оралиғи ўртасидаги корреляция коэффиценти аниқланди: $r = -0,7$ ($P = 0,0001$). Корреляция коэффицентининг бу қиймати кўрсатадики, ушбу икки кўрсаткич ўртасида кучли салбий чизикли муносабат мавжуд: қондаги калий миқдорини бир бирликка пасайиши билан QT интервали $0,08$ сек га узайган.

Бир қатор тадқиқотларда альдостерон ва липид спектрининг алоҳида ташкил этувчилари ўртасидаги патофизиологик боғлиқлик мавжуд бўлиши мумкинлиги муҳокама қилинган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, биз БГА бўлган беморларнинг липид профил кўрсаткичларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилдик. Липид спектрининг асосий кўрсаткичларини таққослаганда, БГА бўлган беморларда гипертензия билан оғриган беморларга нисбатан фақатгина қонда умумий холестерин миқдори ошганлиги аниқланди ($P < 0,001$). Шундай қилиб, БГА ва АГ билан оғриган беморларда умумий клиник ва биокимёвий тадқиқотлар кўрсаткичларини таққослашда маълум сезиларли фарқлар (калий, қон натрийси, глюкоза, креатинин, МАУ да) ва БГА бўлган беморларда фибриноген, ПТИ, УХ ўзгаришларининг юқори бўлиши аниқланган ($P < 0,001$).

МСКТ скрининги натижасида танланган 72 беморнинг буйрак усти безлари текширилди (3-бобга қаранг). 72 беморнинг МСКТ маълумотлари асосида 44 (61%) беморнинг буйрак усти безларида тизимли касалликлар мавжудлиги аниқланди, 28 (39 %) беморда нормал ҳолат қайд этилди. 44 (61%) ҳолнинг 16 тасида (36,4 %) 1 см гача буйрак усти безлари (уларда 6 таси ўнг томонда), 24 (54 %) ҳолда буйрак усти безлари гиперплазияси, жумладан 16 ҳолда тарқоқ вариант, 8 та нодулла аниқланди. Гиперплазияли 4 (9 %)

беморда буйрак усти безининг шаклланиши (инцидентал) аниқланди. Умумий ҳолда БГА фақатгина 40 беморда қайд этилган.

Шундай қилиб, буйрак усти безларининг МСКТ текширувлари физиологик эритма билан синовга нисбатан юқори ишончга эга эканлигини исботлайди, чунки NaCl билан олинган намуна натижаларига кўра ушбу 40 беморлар БГА эҳтимоли юқори деб топилган гуруҳда эдилар. Буйрак усти безларининг МСКТ натижаларига кўра, иккала буйрак усти безларининг диффуз ёки нодуляр гиперплазияси ёки чап буйрак усти безининг нодуляр гиперплазияси, шунингдек, буйрак усти безининг ўнг/чап медиал оёғи ҳажмининг ошиши, тўқима зичлигининг ошиши мос равишда $33,5 \pm 8,4/32,6 \pm 8,8$ ни ташкил қилиши асосида БГА мавжудлиги ҳақида ўйлаш талаб этилган.

Доимий ГА шароитида асосий юкланиш юрак-қон томир тизимига тушишини ҳисобга олиб, эхокардиография усули ёрдамида унинг функционал характеристикасини қиёсий жиҳатдан ўргандик. БГА билан эхокардиографик манзара МЖП нинг қалинлашувини ўз ичига олди, бунда ОСХ ва ОДХ нинг сезиларли даражада ўсиши ва ХФ нинг $55 \pm 2,9$ гача пасайиши кузатилди. Ушбу ўзгаришлар гиперальдостеронизмда чап қоринча бўшлиғи (ОСХ, ОДХ, ОСЎ, ОДЎ) ишончли ўсганини, деворлари қалинлашгани туфайли чап ва ўнг қоринча миокардининг гипертрофияси мавжудлигини ва кичик қон айланиш доирасида АБнинг юқорилигини (ўпка гипертензиясини) кўрсатди. Ҳайдаш фракциясининг пасайиши гиперальдостеронизм ҳолида гипертензия жиддий оғирлик даражасига ва зарарли таъсирга эга эканлигидан далолат берган.

Бизнинг тадқиқотларимиз асосида БГА билан оғриган беморларда АГ билан оғриган беморларга қараганда чап қоринча гипертрофияси даражаси юқори бўлганлиги ва альдостерон чап қоринча гипертрофияси ва юрак асоратлари пайдо бўлишига олиб келадиган юрак фиброзини келтириб чиқаради, деб мантиқан тахмин қилиш мумкин. Альдостерон юрак-қон томир тизимига бир неча механизмлар, жумладан юрак-қон томир ремодуляцияси, эндотелий дисфункцияси, қон томир яллиғланиши ва атеросклероз орқали зарарли таъсир кўрсатади.

Яхши маълумки, альдостерон ҳам морфологик ва ҳам функционал жиҳатдан артериал деворнинг қаттиқлигини ошириш учун жавобгардир. Кўтарилган артериал қаттиқлик атеросклерознинг ва МИ, мия қон томир касалликларини башоратлашнинг кучли маркеридир. Бундан ташқари, уйку артериясининг КИМ қалинлиги юрак-қон томир ва мия қон томирларининг жароҳатлари билан боғлиқлиги аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз мия қон оқимининг бузилиш даражасини баҳолаш учун ультратовуш текшируви ёрдамида экстракраниал мия томирларининг ҳолатини ўрганиб чиқдик. Келиб чиқиши турли хил бўлган артериал гипертензияли 80 беморда КИМ қалинлиги, ёшига қараб стенотик жараёнлар ва АСБ мавжудлиги аниқланади. Америка кардиологлари жамиятининг тавсияларига кўра (2008 й.), КИМ нинг бўсағавий катталиги 45 ёшгача 0,7 мм ни, 45-60 ёшлар орасида 0,8 мм ни, 60 ёшдан ошгандан кейин 0,9 мм ни ташкил этади. Ушбу тавсияга мувофиқ текширилган беморларнинг ёш категорияларида КИМ таҳлил қилинди ва КИМ нинг қалинлашиш частотасининг БГА ҳолида (23 нафар, 57,5 %) АГ га

қараганда (19 нафар, 47,5 %) катта эканлиги қайд этилди. Айни вақтда БГА 30-44 ёшлар орасида (35 %), АГ эса 60-74 ёшларда (22,5 %) кенг тарқалиши аниқланган.

Аниқлашимизча, БГА ли беморларда КИМ нинг қалинлашиши частотаси умумий ҳолда 57,5 %ни ташкил этади. Бу беморларда гипертензиянинг давомлилиги ўртача $3,77 \pm 3,33$ йилни ташкил этди. АГ ли беморларда КИМ нинг қалинлашуви 47,5 % ҳолда қайд этилди ва гипертензиянинг умумий давомийлиги ўртача $6,1 \pm 5,6$ йилга тўғри келди. Бундан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, БГА да АГ га нисбатан альдостероннинг ортиқчалиги бош магистраль томирларининг интим-медиа комплекси қалинлигининг ортиши кўринишидаги нохуш ремоделлашувининг жадал ривожланишига олиб келади ($6,1 \pm 5,6$ йилга қарши $3,7 \pm 3,3$ йил).

Бошнинг асосий артериялари (БАА) ўзгариши моҳиятини таҳлил қилдик ва умумий уйқу артериясининг (УУА) стенози кўп ривожланишини аниқладик. У БГА ли 18 беморда (45%), АГ ли (12) беморда (30 %) гипертензиянинг сабабидан боғлиқ бўлмаган ҳолда ички уйқу артерияси (ИУА), ташқи уйқу артерияси (ТУА) ва умуртқа артерияси (УА) да учраган.

Бош мия магистраль томирларидаги ўзгаришларни ёшга боғлиқ тарзда ўрганиш УУА стенозларининг аҳамиятли частотаси меҳнатга лаёқатли ёшларга тўғри келишини кўрсатди. Бу ҳол альдостероннинг томирлар деворларига бевосита таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айни ҳолда БГА ли беморларда УУА стенозлари (25 %) меҳнатга лаёқатли ёшлар орасида (30-45 ёшларда) кўпроқ бўлиб, АГ давомлилиги ўртача $4,1 \pm 0,6$ йилни ташкил этди. Айтиш лозимки, гипертония томирлардаги мураккаблашувлар ривожланишининг хавфли омилларидан бўлгани каби БГА ли беморларда альдостероннинг ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқилиши юқори АБ туфайли рўй берадиган шикастланишларнинг кўшимча салбий омилли бўлиб қолади. Чунки альдостерон оксидланиш стрессини келтириб чиқаради ва у эса томирлар фиброзига олиб келади. Бундан ташқари, эндотелиал яллиғланиш бош мия томирлари тармоғининг салбий ремодуляциясига кўмаклашади ва шу орқали томирларнинг диаметрини кичрайтиради, уларнинг эластиклигини камайтиради ва церебрал ишемия вақтида бош мия томирлари дилатациясини янада ёмонлаштиради.

Шундай қилиб, бош мия экстракраниал доплерографик текширувнинг БГА ва АГ билан солиштирма таҳлил қилиш асосида БГАда МАГ нинг аҳамиятли даражадаги частотаси ва стенозини юқорилиги аниқланди. Бу БГА билан оғриган беморларда инсулт частотаси юқорилигига сабаб бўлади.

Умуман олганда, эхокардиография, БЦА нинг БГА ва АГ ёрдамида ультратовуш ёрдамида юрак-қон томир тизимининг ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқотлар БГАда касалликларнинг даражада даражада устун эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, БГА нафақат биокимёвий ва гормонал хусусиятларга эга, балки ЭКГ ва эхокардиографияда бир қатор таркибий ва функционал ўзгаришлар, жумладан икки томонлама сканерлаш пайтида ГМ асосий

томирларининг атеросклеротик стенозининг частотаси ёшлар орасида устун эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «БГАда юрак-қон томир натижаларини башорат қилишни математик моделлаштириш» деб номланган бешинчи бобида амалга оширилган. ЭхоКГ бўйича олдинги бобларнинг БГА га доир натижаларига кўра, беморларга катта азият етказувчи омилларнинг асосийлари КСО, ҚДО ва ҲФ бўлди. Шу туфайли биз кўп омилли математик моделлаштиришни амалга оширишга қарор қилдик. Математик модель тузиш учун дастлаб альдостеронлар ва АРС, ёши, САБ, ДАБ, АГ давомийлиги, ТВИ, УХ, калий, натрий, ПТИ каби омиллар орасидаги регрессия таҳлилинини ўтказдик (4-расм).

4-расм. Альдостерон билан АРС, бемор ёши, САБ, ДАБ, АГ давомийлиги, ТВИ, УХ, калий, натрий, ПТИ ўртасидаги регрессия таҳлили

Регрессия таҳлилининг натижаларига асосланиб, альдостерон билан тўғридан-тўғри чизиқли корреляцияни кўрсатадиган энг муҳим омиллар аниқланди. Ушбу омиллар ОСХ, қон натрийси, АРС, ДАБ ва САБ эди. Шу муносабат билан биз БГАда юрак-қон томир касалликларининг математик моделини яратишга ҳаракат қилдик.

Қулайлик учун биз қуйидагиларни таъминлаймиз: Y – ОСХ; X_1 – альдостерон; X_2 – АРН; X_3 – натрий; X_4 – ДАБ; X_5 – САБ.

Агар биз r_{YX_i} ёрдамида Y ва X_1 кўрсаткичлари орасидаги ҳамда $r_{X_iX_j}$ ёрдамида i ва j омиллари орасида корреляция коэффициентларини аниқласак, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин: альдостерон, АРС, натрий, ДАБ ва САБ омиллари ОСХ билан ижобий корреляцияга эга. Бу эса ушбу омиллар ўртача қийматларининг ортиши ОСХ нинг ўртача ўсишига олиб келишини кўрсатади. Танланган параметрларнинг корреляцион матрицаларини жадвал шаклида ёзамиз (2-жадвал).

Танланган параметрларнинг корреляцион матрицаси

Катталиклар	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	X ₅
Y	1	0,465	0,319	-0,450	0,408	0,367
X ₁	0,465	1	0,828	-0,645	0,598	0,646
X ₂	0,319	0,828	1	-0,654	0,554	0,589
X ₃	-0,450	-0,645	-0,654	1	-0,482	-0,435
X ₄	0,408	0,598	0,554	-0,482	1	0,933
X ₅	0,367	0,646	0,589	-0,435	0,933	1

Чизиқли регрессия модели асосида олинган 2-жадвал таҳлил қилинганида, X₁ ва X₂ омиллар ўртасида кучли чизиқли боғлиқлик мавжудлиги альдостерон ва кортизол ўртасидаги корреляция коэффиценти орқали ифодаланганлиги аниқланди. Биз бир вақтнинг ўзида ушбу иккита кўрсаткични моделлаштира олмаймиз, чунки кўпколлинеарлик моделга салбий таъсир кўрсатади.

Y билан бошқа кўрсаткичлар орасидаги боғланишни тузайлик. Хусусий ҳолда, x₁ орасидаги боғланиш қуйидагича бўлди:

$$Y = 64,8 + 0,05x_1.$$

Демак, ўзгармаснинг 64,8 қиймати шуни аниқлатадики, агар шартли қиймат x₁ нолга тенг бўлса, ОСХ нинг қиймати 64,8 бўлади. Бу альдостероннинг битта бирликка ортиши, бошқа мезонлар ўзгаришсиз қолганида, ОСХ қийматининг 0,05 га ошириши мумкинлигини кўрсатади. Бу моделда x₁ омил энг яхши предиктор ҳисобланди. Ушбу омил учун VIF таҳлили ўтказилди ва кўп коллинеарлик муаммоси йўқлиги сабабли, ушбу моделни прогноз қилиш учун ишлатса бўлади.

Қурган математик моделimiz шуни кўрсатдики, альдостероннинг ортиши ОСХ, ОДХ ҳажмининг ошишига олиб келади. ОСХ ва ОДХ ҳажмининг ошиши ўз навбатида ХФ нинг пасайишини талаб қилади. Бунга асосланиб, альдостероннинг юрак-қон томир тизимида бевосита таъсир кўрсатишини айтишимиз мумкин.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларimiz адабиётларда келтирилган гиперальдостеронизм туфайли чап юрак бўшлиқлари катталашини, иккала қоринча миокардининг гипертрофияси мавжудлиги тўғрисидаги фикрларни тасдиқлайди. Россиялик муаллифларнинг тадқиқот натижалар кўрсатишича, ГА билан оғриган беморларда бошқа буйрак усти безининг янги ҳосилаларига нисбатан ўнг қоринча миокардининг ифодаланган гипертрофияси ва ЧҚОСХ чап қоринча бўшлиғида ўсиши мавжуд. Шу билан бирга, феохромоцитома ва гиперкортицизмда чап қоринча функцияси бузилганлигини билвосита кўрсатувчи ўпка капиллярлари ДЗЛК сиқилишининг юқори босими мавжуд. АГ билан гормонли фаол бўлмаган буйрак усти безлари шаклидаги беморларда эхоЭКГ кўрсаткичлари ЭГ га ўхшайди, аммо юракнинг чап қоринча дисфункциялари эса гипертензияда яққолроқ намоён бўлган (Сергийко С.В. ва бошқалар, 2009).

ХУЛОСА

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун «Ўзбекистон Республикасида скрининг бўйича бирламчи гиперальдостеронизмнинг клиник ва биохимик хусусиятлари» мавзусидаги диссертация устида олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ёмон сифатли АГ бўлган беморларда БГА нинг уч босқичли скрининги (ЕЭЖ нинг 2016 йилги клиник тавсияларига мувофиқ) ўтқазилди. I босқичда АРС баҳоланиб, унинг қиймати 30 пг/мкМЕ дан катта бўлган 202 бемор (23,7%) ажратиб олинди; II босқичда физиологик эритма синови асосида 72 ҳолат, жумладан БГА эҳтимоли юқори бўлган (А – $363,4 \pm 10,1$ пг/мл) 50 (22,7%) бемор, оралик (чегаравий) соҳага тегишли (А – $76,3 \pm 7,4$ пг/мл) 22 (10,8%) бемор, БГА эҳтимоли (А – $36 \pm 2,1$ пг/мл) кам бўлган 114 (56,7%) бемор қайд этилди ва III босқичда буйрак усти МСКТ сига кўра БГА ли 40 (4,7%), шу жумладан 24 ИГА ли ва 16 АИА ли бемор ажратилган.

2. БГА ва ГБ ли беморларнинг бир-бирига ўхшаш бўлган клиник-биокимёвий маълумотларининг қиёсий таҳлили БГА да калий даражасининг аҳамиятли камайишини, ИМТ, креатинин, натрий ва МАУ частотасининг эса кўтарилишини кўрсатган.

3. БГА 60 % ҳолларда буйрак усти оёқчалари ҳажмининг ортиши ($38,7 \pm 8,2$ мм ГБ даги $28,5 \pm 9,4$ мм га қарши, $P < 0,01$), буйрак усти зичлигининг катталашуви ($36,5 \pm 10,4$ ГБ даги $30,8 \pm 6,5$ едНе га қарши) билан кечадиган икки томонлама микротугунли гиперплазия билан тавсифланувчи ИГА оқибатида ривожланган. АПА 40 ҳолда ўлчами $1,6 \pm 0,3$ см ва зичлиги $20,6 \pm 2,8$ едНе бўлган гиподенс (чап томонда 10 ҳол, ўнг томонда 6 ҳол) кўринишида шаклланган.

4. ГБ беморларга (25 % ва 1,9 % га қарши; $P < 0,001$) қараганда БГА ли беморларда хасталик юрак-қон томирларидаги (25%) ва цереброваскуляр (10%) мураккаблашувлар частоталари билан ассоциацияланди ва ўткир миокард инфаркти (5%) ва мияда қон айланишининг кучли бузилиши (10%) частоталари билан тавсифланди (ГБ даги 1,9%, 1,2% га қарши; $P < 0,001$). Оилавий анамнез ўрганилганида БГА ли беморларнинг ота-оналарида кардиоваскуляр касалликлар аксарият 40 ёшгача учраши аниқланган (БГА даги 32% ГБ даги 6,1% га қарши).

5. БГА да нишон органларнинг специфик зарарланиши чап қоринчанинг гипертрофияси, миокарднинг метаболик ўзгаришлари, чап қоринча массаси индекси ва ЧҚ ОСХ/ОДХ нинг ўсиши, шунингдек медиа интимларининг аҳамиятга эга ишончли қалинлашуви ва умумий уйку артериясининг стенози билан тавсифланди. Айни вақтда юрак-қон томирлари тизимининг специфик зарарланиши альдостерон даражаси билан тўғри корреляцияга ($r=0,5$; $P < 0,01$) ва калий билан тесқари корреляцияга ($r=-0,3$; $P < 0,01$) эга бўлган.

6. БГА да ЮҚТА хавфини башоратлаш учун ишлаб чиқилган модель қондаги альдостерон миқдорининг ортишига асосланган. Бунда альдостероннинг 10 пг/мл га ортиши ДАБ ва САБ нинг аҳамиятли (мос равишда 5,4 мм сим.уст., 2,37 мм сим.уст.га) ортиши ($P < 0,01$) билан кечади ва улар ЮҚТА ривожланиши хавфининг аҳамиятли омилларини ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ЭНДОКРИНОЛОГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА Я.Х. ТУРАКУЛОВА**

ДАЛИМОВА ГУЗАЛЬ АБДУРАШИТОВНА

**КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПЕРВИЧНОГО
ГИПЕРАЛЬДОСТЕРОНИЗМА ПО ДАННЫМ СКРИНИНГА
ПО РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

14.00.03 – Эндокринология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/Tib420.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эндокринологии им. академика Я.Х. Туракулова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Халимова Замира Юсуповна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Бахриддинов Фазлиддин Шамсиддинович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Казахский национальный медицинский университет имени С.Д.Асфендиярова

Защита состоится «___»_____2020 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109,.) г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фараби-2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фараби-2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «___»_____2020 года.

(реестр протокола рассылки №___ от «___»_____2020 года).

А.Г. Гадаев
председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д. м. н.,
профессор

Д.А. Набиева
учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д. м. н.

С.И. Исмаилов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д. м. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одним из ключевых факторов риска болезней сердечно-сосудистой системы является гипертония или повышенное кровяное давление, являющееся причиной сердечных приступов и инсультов. По данным % всемирной организации здравоохранения «... повышенное кровяное давление ежегодно является причиной девяти миллионов смертельных случаев»¹. Ранее большинство экспертов оценивали распространенность первичной гиперальдостеронизм (ПГА) менее 1 % от пациентов с эссенциальной гипертензией. Однако в настоящее время по мнению некоторых авторов «... ПГА составляет около 10 % среди пациентов с АГ (4,8 % приходится на альдостерон-продуцирующие аденомы; 5,2 % – на другие виды ПГА: двустороннюю идиопатическую гиперплазию, первичную одностороннюю гиперплазию, семейные формы ПГА»². Поэтому выявление ПГА является актуальным у пациентов с артериальной гипертензией.

В мире особое внимание уделяется исследованиям по диагностике ПГА у пациентов с артериальной гипертензией, совершенствованию методов ранней диагностики, лечения и профилактики заболеваний на основе иммуногенетических исследований. Исследования, проведенные ведущими учеными, позволили улучшить методы ранней диагностики ПГА, оценить важность минералокортикоидных рецепторов и оперативного лечения при лечении ПГА, привлечь пациентов с артериальной гипертензией к системе скрининга для ранней диагностики и лечения ПГА, а также патогенетические механизмы лечения пациентов с ПГА. Разработка и выбор оптимальной системы лечения направлены на профилактику и выявление осложнений, а также совершенствование мероприятий по улучшению качества жизни населения.

